

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Бекназов Шаҳриёр Бобур ўгли
Тошкент вилояти прокуратураси
бўлими прокурори, Ўзбекистон
Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш
академияси мустақил изланувчиси
beknaz0v010@mail.ru,
+99899-558-55-55

Аннотация: Ушбу мақолада озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларнинг тушунчаси ва турлари, Ўзбекистон ва ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларда бу масалага нисбатан қарашлар, халқаро тажрибалар таҳлил қилинган. Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазонинг тушунчасига нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жазо, жазодан озод қилиш, мажбурлов, маҳкум, пенитенциар тизим, ижтимоийлашув, шартли ҳукм.

ПОНЯТИЕ И ВИДЫ УГОЛОВНЫХ НАКАЗАНИЙ, НЕ СВЯЗАННЫХ С ЛИШЕНИЕМ СВОБОДЫ

Бекназов Шаҳриёр Бобур ўгли
Прокурор отдела прокуратуры Ташкентской
области, Самостоятельный соискатель
Правоохранительной академии
Республики Узбекистан
beknaz0v010@mail.ru,
+99899-558-55-55

Аннотация: В данной статье анализируются понятие и виды уголовных наказаний, не связанных с лишением свободы, взгляды на этот вопрос в Узбекистане и международно-правовых актах, а также международный опыт. Также разработано авторское определение понятия уголовного наказания, не связанного с лишением свободы.

Ключевые слова: наказание, освобождение от наказания, принуждение, осужденный, пенитенциарная система, социализация, условное осуждение.

THE CONCEPT AND TYPES OF CRIMINAL PUNISHMENTS NOT RELATED TO IMPRISONMENT

Beknazov Shakhriyor Bobur ugli
Prosecutor of the Tashkent Region Prosecutor's
Office Department, Independent applicant
Law Enforcement Academy of
the Republic of Uzbekistan
beknazov010@mail.ru,
+99899-558-55-55

Abstract: *This article analyzes the concept and types of non-custodial criminal penalties, views on this issue in Uzbekistan and international legal instruments, as well as international experience. The author also develops a definition of non-custodial criminal penalties.*

Keywords: *punishment, release from punishment, coercion, convicted person, penitentiary system, socialization, suspended sentence.*

Кириш.

Шубҳасиз, XXI аср инсон ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган, мавжуд амалиётдан ташқарига чиқадиган, самарали ва таъсирчан бўлган, жазо тизимини бугунги кунда аксарият мамлакатларда чекланган тусга эга тор доирадан чиқарадиган янги жазо турларини татбиқ этишни талаб қилади. Албатта, озодликдан маҳрум қилишнинг муқобил вариантлари ҳар қандай замонавий жазони ижро этиш тизимнинг муҳим қисмидир, чунки қамоқ нафақат жиноятчиликка қарши курашишнинг самарасиз усули, балки шахс, хаттоки бутун жамият учун салбий ижтимоий оқибатларга олиб келади. Оғир жиноятлар содир этмаган жиноятчиларни қамоқда сақлаш мақбул жиноят сиёсати ҳам эмас, давлат учун ҳам муносиб танлов деб бўлмайди. Бунинг оқибати - ижтимоий алоқаларнинг бузилиши, аҳоли саломатлиги ва жамиятнинг ахлоқий муҳит ёмонлашиши. Ушбу муаммонинг иқтисодий жиҳати ҳам муҳимдир, чунки "қамоқ ёмон одамни янада ёмонлаштирадиган қиммат усулдир" [1].

Шу сабабли, тадқиқотчи М.Назаров тўғри таъкидлаганидек, жиноий жазолар тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жазоларни дифференциялаштириш йўли билан жиноятчиликни олдини олиш бўйича самарали чоралар ва механизмларни ишлаб чиқиш долзарб [2; Б.25-26] ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили ва методология.

Жазо тайинлаш, шу жумладан муқобил жазо турларининг айрим жиҳатлари З.С.Зарипов, И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, А.Г. Зокирова, М.Қ.Ўразалиев,

А.М. Мусаев, Ж.С. Мухторов, Ш.А. Пулатова, Р. Кабулов, М.Х.Рустамбоев, Ф. Тохиров, М.А. Ражабова, М. Усмоналиев, А.С. Якубов, И.Ю.Фазилов, С.Латиповларнинг илмий-назарий ишларида ўрганилган.

МДХга аъзо мамлакатлар олимларидан - М.Н. Гернет, А.А. Жижиленко, О.Я. Немировский, А.А. Пионтковский, А.Н. Трайнин, М.А. Чельцов-Бebutov, Н.А. Беляев, Я.М. Брайнин, С.В. Бородин, Р.Р. Галиакбаров, И.М. Гальперин, С.И. Дементьев, В.А. Елеонский, С.И. Зельдов, А.И. Зубков, И.И. Карпец, С.Г. Келина, В.Н. Ковалев, Л.Л. Крутиков, В.Н. Кудрявцев, Н.Ф. Кузнецова, В.И. Курляндский, И.С. Ной, И.Б. Малиновский, Н.А. Мартиненко, А.И. Марцев, А.С. Михлин, С.В. Полубинская, П.Г. Пономарёв, В.И. Селиверстов, М.А. Скрябин, А.Д. Соловьев, Н.А. Стручков, Ф.Р. Сундуков, Ю.М. Ткачевский, М.Д. Шаргородский, И.В. Шмаров, М.Н. Шнейдер, Б.С. Утевский, В.А. Уткин, О.В. Филимонов и ва бошқалар томонидан муқобил жазо, жазо тайинлаш масалалари тадқиқ этилган.

Хорижий олимлар Мейер М.С., Alexander K., Kleinbach R., Fletcher R., Макдугалл Джойс ва бошқалар томонидан мавзунинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Тадқиқотда мантиқий, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, қонунни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

Муҳокама.

Ўзбекистонда ҳар 100 минг кишидан 68 нафари жазо ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтамоқда. Бу ҳақда 11 январ куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик қўмитасининг йиғилишида маълум қилинди [3].

Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 54 колония фаолият юритмоқда. Уларнинг 18 таси ёпиқ, 25 таси жазони ижро этиш колониялари ва 11 таси тергов изоляторлари. Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, қамоқхоналарда 22 мингдан ортиқ маҳкум бор. Улардан 7000 дан ортиғи умумий режимдаги колонияларда, 14000 дан ортиғи ёпиқ турдаги колонияларда жазо ўтамоқда [4].

"Маҳкумларни ушлаб туриш шароитларининг шаффофлигини таъминлаш ва қийноқлар ва жисмоний зўравонликларнинг салбий оқибатларини олдини олиш учун тизимнинг 54 та жазони ижро этиш муассасаларида 3280 та замонавий видеокузатув мосламалари ўрнатилди" [4], дейилади Ички ишлар вазирлиги баёнотида.

2020 йил 1 август ҳолатига кўра АҚШда ҳар 100 минг кишидан 639 киши, Россияда 340, Туркияда 335, Белорусияда 343 ва Ўзбекистонда 68 киши жазони

ижро этиш муассасаларида ўтамоқда [5]. Қамоқ аҳолиси сонининг пасайишининг ижобий динамикасига қарамай, шуни таъкидлаш керакки, ушбу аҳолининг катта қисми жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг жиноятчини жамиятдан ажратилмаган ҳолда жазолашга имкон берадиган бошқа жазоларни назарда тутган унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган ҳолда жамиятдан ажратиб қўйилган. Ушбу ҳолатларда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муқобил чораларини қўллаш орқали биз маҳкумлар сонини камайтиришда яхши натижаларга эришардик. Бундан ташқари, давлат бу одамларни қамоқда сақлашнинг нормал шароитларини ҳам, кейинги жамиятга интеграциясини ҳам таъминлай олмайди, шу сабабли бу муаммо юридик мазмундан умумий жамият муаммосига айланиб улгурган.

Шубҳасиз, муқобил жазоларни чет элда қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда муқобил жазоларни қўллаш бўйича тавсиялар бериш мумкин. Аммо, ҳозирги кунгача миллий жиноят ҳуқуқи фанида муқобил жазоларни қўллаш соҳасида мустақил қиёсий ҳуқуқий тадқиқотлар амалда мавжуд эмас.

Ривожланган мамлакатларнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати замонавий йўналиши маҳкумни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенг қўллашни назарда тутди.

Ҳозирги кунда жаҳонда қамоқхона индекси (ёки «қамоқхона аҳолиси» индекси), ҳар йили эксперт доираларда «World Prison Brief» [6] очик манбаси орқали муҳокама қилинади. Ушбу кўрсаткични пасайтиришга интилган ҳолда, кўплаб халқаро ҳужжатларда «қамоққа муқобил жазо чораларини жорий этишдаги ҳуқуқий тўсиқларни бартараф этиш мақсадида, қонунчиликни қайта кўриб чиқиш зарурлигига» [7; Б.125] эътибор қаратилмоқда.

1990 йилги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларига оид минимал стандарт қоидалари (Токио қоидалари) муқобил жазолардан фойдаланишга раҳбарлик қилувчи асосий халқаро ҳужжатлардир. Қоидаларнинг 1.5-бандига биноан, "Аъзо-давлатлар ўзларининг ҳуқуқий тизимларида озодликдан маҳрум қилиш жазосидан фойдаланишни қисқартириш ва шахснинг ҳуқуқлари, талабларига риоя қилиш мақсадида жиноий одиллик сиёсатини мақбуллаштириш, ижтимоий адолат ва ҳуқуқбузарнинг жамиятдаги нормал ҳаётга қайтиш билан боғлиқ эҳтиёжлари нуктаи назаридан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа чораларни ишлаб чиқишади». Қоидаларнинг 2.3-бандига кўра: «Ҳуқуқбузарликнинг моҳияти ва оғирлиги, шахснинг шахсияти ва келиб чиқишига, шунингдек жамиятни ҳимоя қилиш манфаатларига мувофиқ равишда жазнинг янада мослашувчанлигини таъминлаш ва қамоқ жазосидан асосиз фойдаланишдан тийилиш мақсадида, жиноий адлия тизимида қамоққа ҳукм

қилинмасликнинг судгача ва суддан кейинги кенг доираси назарда тутилиши керак» [8; Б.132-134].

Проф. М.Х. Рустамбоев ўзининг бир нечта асарларида, жазоларни таснифлар экан, муқобил жазоларни алоҳида ажратиб ўтирмасдан, жазонинг оғирлигига қараб, озодликдан маҳрум қилиш (чеклаш) билан боғлиқ жазолар ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ажратиб кўрсатади [9; Б. 371-372, 10; Б.29].

Бизнингча, бугунги кунда жиноят қонунчилиги ва жазо тизимини янада инсонпарварлаштириш ва халқаро талабларга мувофиқлаштириш зарурати пайдо бўлган даврда, муқобил жазо чораларини илмий жиҳатдан чуқур ва пухта ўрганиш, тадқиқ этиш – бу миллий жиноят ҳуқуқи доктринаси олдида турган асосий вазифалардан биридир. Қолаверса, бугунги кунда “муқобил жазо” тушунчаси аллақачон миллий қонунчиликда ҳам ўз ўрнини топишга улгурган¹.

Айни дамда, биз проф. М.Х.Рустамбоев қайд этган фикрдан фарқли равишда, муқобил жазоларга озодликни чеклаш билан эмас, балки айнан *озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган*, Жиноят кодексига асосий жазо сифатида назарда тутилган жазоларни тушуниш зарур деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотчилар И.В.Дворянсков, В.В. Сергеева, Д.Е. Баталин муқобил жазо турлари сифатида таснифлашда иккита мезонни ажратишни зарур деб ҳисоблашади:

— маҳкумни жамиятдан ажратишдан ўзгача бўлган таъсир қилиш механизми;

— жазонинг асосий жазо мақоми, унга кўра жазо жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахс учун жавобгарлик чорасини белгилашда озодликдан маҳрум қилиш билан бирга тенг равишда кўриб чиқилиши, ҳамда бошқа жиноий ҳаракатлар учун унга параллел равишда эмас, айнан озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига махсус қўлланилиши мумкин [11; Б.9].

Шунга асосланиб И.В. Дворянсков ва В.А. Зайченко, муқобил жазолар остида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга мажбурий таъсир кўрсатишда ифодаланган, жамиятдан ажралиб қолиш билан боғлиқ бўлмаган, аммо ўз моҳияти ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ унинг ўрнига муносиб ва етарли алмаштириш ҳисобланадиган, шунингдек ижтимоий адолатни тиклаш, маҳкумни ахлоқан тузатиш, янги жиноятларни содир этишнинг умумий ва махсус профилактикаси мақсадларини кўзлайдиган давлатнинг мажбурлови чораларини тушунишади [12; Б. 47, 13; Б.52].

¹ Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли Фармонида 2017 йилнинг 1 апрелидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазо тугатилиши белгиланган.

Озодликдан маҳрум қилишга муқобил чоралар. Озодликдан маҳрум қилишга муқобил чоралар масаласи нафақат ички, балки чет эл қонунчилиги учун ҳам долзарбдир, аммо у ерда улар қамоққа нисбатан кўриб чиқилади. Жумладан Б. Кароли озодликдан маҳрум қилишга муқобил чораларни "...озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган, жиноят қонуни билан тақиқланган хатти-ҳаракатларга муносабат билдиришнинг барча чоралари" деб таърифлайди [14;Б.67]. Шу билан бирга, Г.А. Стеничкин ушбу таърифнинг унча тўлиқ ва етарли эмаслиги ва муқобил чораларнинг концептуал аппаратини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди [15; Б. 37].

Амалиётчи У.Ханаев, "жиноятларни таснифлаш... адолатли жазо тайинлашнинг муҳим шарти ҳисобланади", дейди [16]. Жумладан, ЖКнинг махсус қисмидаги моддаларни таҳлил қилиш асосида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар белгиланган 154 та норма (98%) санкциясида муқобил жазо турлари келтирилганлиги, ЖК Махсус қисмидаги унча оғир бўлмаган 12 та жиноят таркибида ёки 93,6% ҳолатда муқобил жазо турлари ҳам тайинланиши мумкинлиги белгилангани, айти дамда ЖК Махсус қисмидаги оғир жиноятларнинг атиги 13 тури учун (11,4%) санкциясида озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан бирга бошқа турдаги жазолар ҳам тайинланиши мумкинлиги ҳақида қайд этади [16].

Шу каби, бошқа бир қатор миллий амалиётчи ва олимлар ўз ишларида муқобил жазоларни қайд этишган, аммо ушбу жазолар таснифи, тушунчаси борасида тўхталишмаган [17; 18; 19].

Озодликдан маҳрум қилишга муқобил чоралар "... муқобил жазолар сифатида ифодаланиши мумкин (Жиноят кодексининг 43-моддаси); ушбу жиноят учун назарда тутилганидан кўра енгилроқ жазо тайинлаш (Жиноят кодексининг 57-моддаси); жазони енгилроғи билан алмаштириш (Жиноят кодексининг 74-моддаси); озодликдан маҳрум қилиш жазосини ҳақиқатда ижро этишни олдини олишга қаратилган жиноят-ҳуқуқий чоралари; жиноий жавобгарлик доирасида амалга оширилган бошқа таъсир чоралари (мажбурий тарбиявий чоралар)" [20; Б.44], яъни биз озодликдан маҳрум қилишга муқобил чоралар ҳақида сўз юритиб, ҳам муқобил жазоларни, ҳам муқобил чораларни, ҳам жиноий жавобгарликка муқобил чораларни тўғрисида гапиришимиз мумкин.

Шу билан бирга, муқобил жазолар, бошқа муқобил санкциялар (жиноят-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган чоралар) ва муқобиллар – жиноий жавобгарликдан озод қилиш чоралари ўртасидаги фарқларни ҳисобга олиш керак, бунга илмий адабиётларда ҳам алоҳида эътибор қаратилади [21; Б.15].

Натижалар.

Муқобил жазони мезони – бу маҳкумга таъсир қилишда жамиятдан ажратиш эмас, балки бошқа механизмни қўллаш ҳисобланади. Шунга кўра, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан *муқобил жазони қўллаш деганда ЖКда белгиланган, мажбурлов таъсирига эга, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган, аммо моҳиятан унинг ўрнини босувчи, қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқадиган ҳамда ижтимоий адолатни тиклаш, маҳкумни ахлоқан тузатиш, янги жиноятлар содир этилишининг умумий ва махсус олдини олиш мақсадларини кўзлайдиган давлат мажбурлов чораларидан бирини қўллаш тушунилиши керак.*

БМТнинг Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларига оид минимал стандарт қоидалари (Токио қоидалари) 2.4-бандига мувофиқ, “озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган янги чораларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш ва диққат билан кузатиб бориш ва уларни қўллаш амалиётини мунтазам равишда баҳолаш керак” [22].

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ ва унга муқобил жазоларнинг нисбат кўрсаткичи ривожланган ҳуқуқий тизимга эга давлатларда жуда паст. Европа мамлакатларида (Франция, Германия, Буюк Британия) озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сони муқобил жазо тайинланганларга нисбатан 5-6 барабар кам.

Айтиш жозки, Лондонда жойлашган Қамокхоналарни тадқиқ қилиш халқаро маркази томонидан 2019 йилда эълон қилинган маълумотга кўра, Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига 150 нафар жазо ўтаётган шахс тўғри келиши, тизимда 43,9 минг нафар шахс сақланаётганлиги кўрсатилиб, Ўзбекистон бу борада 222 давлат ичида 105-ўринни эгаллаган [23]. Бироқ, ИИВ расмий хабарида “Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигининг либераллаштирилиши натижасида сўнгги ўн йилликда жазо муддатини ўтаётган шахслар сони кескин қисқарди. Реал ҳолатга кўра, бугунги кунда жазони ижро этиш тизимидаги маҳкумлар сони 22,9 минг нафарни ташкил этиб, ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 67 нафар шахс тўғри келади. Ушбу рақамлар биринчи мартаба очикланмоқда» [24], дейилади.

Хулоса.

Ўзбекистонда муқобил жазо чораларни қўллашни кенгайтириш қуйидаги эҳтиёжлардан келиб чиқади:

- кўриб чиқилаётган чора-тадбирлар озодликдан маҳрум этиш билан муваффақиятли рақобатлашади, чунки ижро этишни ташкил этишда тизимли камчиликлар мавжудлиги сабабли озодликдан маҳрум қилиш жазоси паст самарадорлик билан тавсифланади;

- маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сўзсиз ҳурмат қилиш ва уларга риоя қилиш озодликдан маҳрум қилиш жазоси моҳиятига етарлича мос эмас. Жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазо тайинланган шахслар одатдаги муҳитдан четлаштирилиб, жиноий жазо мақсадларига эришишда ёрдам бермайдиган, аксинча, жиноий фаол муҳитга дуч келишиб, жиддий шахсий деформация юз беради;

- иқтисодий вазият бюджетни тежашни талаб қилади. Муқобил санкцияларни кенгайтириш, янги "жамиятдан ажратмаслик"ни кўзлайдиган жазо турларини жорий этиш бюджетга сезиларли таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, хорижий жиноят қонунчилигида ҳаққоний равишда қайд этилганидек, озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақатгина ЖК Махсус қисми тегишли моддасида белгиланган енгилроқ жазо турини қўллаш орқали жазо мақсадига эришиш имконсиз бўлганда, тайинланиши мумкин (Қирғизистон ЖК). Худди шундай қонунчиликнинг 43-моддасига иккинчи қисм сифатида қуйидаги таҳрирда киритиш лозим:

“Озодликдан маҳрум қилиш жазосини фақатгина ушбу Кодекснинг Махсус қисми тегишли моддасида белгиланган енгилроқ жазо турини қўллаш орқали жазо мақсадига эришиш имконияти бўлмаганда, тайинланишига йўл қўйилади”.

Адабиётлар/Литература/References:

1. <https://newsland.com/community/4765/content/tiurma-voobshche-to-slishkom-dorogoi-put-dlia-ukhudsheniia-cheloveka/5796718>
2. М.Назаров. Назначение наказания в уголовном праве Республики Узбекистан. Автореферат дисс. докт. фил. юрид. наук (Doctor of Philosophy) - Ташкент – 2020 – Б.25.
3. <https://news.rambler.ru/world/45595956-v-uzbekistane-nazvali-chislo-zaklyuchennyh/>
4. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistondagi-tergov-hibskhonalarida-video-kuzatuv-vositalari-soni-nechta>
5. <https://xs.uz/ru/post/garantirovannaya-zaschita-prav-i-svobod-cheloveka-schitaetsya-vazhnym-aspektom-osuschestvlyaemykh-reform>
6. <http://www.prisonstudies.org/>.
7. Сборник документов Совета Европы в области защиты прав человека и борьбы с преступностью. Б. 125
8. Левченко В.Н. Совершенствование альтернативных видов уголовных наказаний // Actualscience. – 2015. – Т. 1. – № 1. – Б. 132-134.
9. М. Ҳ. Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлири учун дарслик. - Тошкент – “ILM ZIYO” – 2006. – Б.371-372;
10. М.Х.Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. Дарслик, қайта ишланган ва тўлдирилган. Т. - Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти, 2018. – Б.29;
11. Дворянсков И.В., Сергеева В.В., Баталин Д.Е. Применение альтернативных видов наказания в Западной Европе, США и России. М., 2003. Б. 9.
12. Дворянсков И.В. Эффективность альтернативных наказаний. М., 2000. Б. 47;
13. Зайченко В.А. Альтернативные лишения свободы наказания как средство оптимизации системы уголовных наказаний в США: дис. ... канд. юрид. наук. Самара, 2005. Б. 52.
14. Кароли Б. Альтернативные меры уголовного наказания // Альтернативы тюремному заключению в Республике Казахстан. Б. 67.
15. Стеничкин Г.А. Теоретические аспекты применения альтернатив лишения свободы // Развитие альтернативных санкций в российской уголовной юстиции: опыт и перспективы. Б. 37.
16. У.Ханаев. Жиноятларни таснифлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти. // <https://huquqburch.uz/uz/zhinoyatlarni-tasniflashning-izhtimoij-ahamiyati/>
17. Шерзод Юлдашев, Музаффар Кукиев. Жазонинг мақсади шахсни ахлоқан тузатиш ва қайта жиноят содир этишининг олдини олишни кўзда тутати // <https://sud.uz/jazo-maqsadi>;

18. Р.Турсунов. Жазони ижро этиш тизими: муаммо, ечим ва натижа // <https://iiv.uz/oz/news/jazoni-ijro-etish-tizimi-muammo-echim-va-natija>.
19. Н.Абдураимова. Жиноят учун қайси жазо турини қўллаш самаралироқ? // https://uza.uz/uz/posts/jinoyat-uchun-qaysi-zhazo-turini-qollash-samaraliroq_269845.
20. Кашуба Ю.А. Альтернативы лишению свободы для несовершеннолетних: эффективность и перспективы // Проблемы исполнения уголовных наказаний, не связанных с лишением свободы, и применения иных мер уголовно-правового характера в отношении несовершеннолетних. Б. 44.
21. Уткин В.А. Развитие альтернатив лишению свободы в рамках эксперимента. Б. 15.
22. http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/tokyo_rules.shtml (дата обращения: 10 марта 2016 г.).
23. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/08/17/penitentiary/>
24. «Ўзбекистонда 100 минг аҳоли сонига 67 нафар маҳкум тўғри келади» — Ички ишлар вазири. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/08/17/penitentiary/>.